

**Тураев Шахриёр Шодиёрович – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ХУДУДИЙ  
БОШҚАРМАСИ БОШ БУХГАЛТЕРИ. МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТЧИ.**

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ВА ЮРИДИК ХИЗМАТ  
КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ВА  
УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ.**

**Аннотация:** мақолада юридик хизматни амалга оширишда уни амалга ошираётган адвокат ва унга нисбатан туланиши лозим гонарарлар миқдори муҳумлиги, хизматларни учун туланадиган маблағ ким томонидан ва канча миқдорда эканлигига қараб юридик хизматни сифат ва самарадорлиги ошиб боришлиги, адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини алоҳида кўрсатиб бериш, адвокатура институтини янада ривожлантириш учун унинг ижобий ютуқларидан самарали фойдаланишни, юридик хизмат ҳамда давлат ва ноижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишга оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини янада такомиллаштириш аниқ амалий кўрсаткичлар орқали кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** юридик хизмат, битим (шартнома)га мувофиқ, компенсация қилинадиган харажатлар, тарафларнинг рекузитлари, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс).

Тураев Шахриёр Шодиёрович

Отношения между потребителями юридических услуг и субъектами, предоставляющими юридические услуги, и пути их регулирования

**Аннотация:** В статье рассмотрено значение адвоката, оказывающего юридическую услугу, и размера вознаграждения, выплачиваемого ему, повышение качества и эффективности оказания юридической услуги в зависимости от суммы и суммы денег, уплачиваемых за услуги, развитие

адвокатуры, роль адвокатов при рассмотрении уголовных, гражданских, административных и экономических дел, эффективное использование ее положительных достижений для дальнейшего развития института адвокатуры, дальнейшего совершенствования механизмов реализации правовых документов, связанных с оказанием юридических услуг и юридической помощи субъектам предпринимательства государственными и некоммерческими организациями, показано на конкретных практических мероприятиях. индикаторы.

**Ключевые слова:** юридическое обслуживание, в соответствии с договором (договором), возмещаемые расходы, реквизиты сторон, лица, выразившего доверие (подзащитного). Turayev Shaxriyor Shodiyorovich

Relations between consumers of legal services and entities providing legal services, and ways to regulate them

**Annotation:** The article discusses the importance of a lawyer providing legal services and the amount of remuneration paid to him, improving the quality and efficiency of providing legal services depending on the amount and amount of money paid for services, the development of the legal profession, the role of lawyers in the consideration of criminal, civil, administrative and economic cases, the effective use of its positive achievements for the further development of the institution of the legal profession, further improvement of mechanisms for the implementation of legal documents, related to the provision of legal services and legal assistance to business entities by state and non-profit organizations, shown at specific practical events. indicators.

**Key words:** legal services, in accordance with the agreement (agreement), reimbursable expenses, details of the parties, the person who expressed trust (the defendant).

**Кириш.** Юридик хизматни амалга оширишда уни амалга ошираётган адвокат ва унга нисбатан тўланиши лозим гонарарлар миқдори албатта муҳумдир, чунки бу хизматларни учун тўланадиган маблағ ким томонидан ва қанча миқдорда эканлигига қараб юридик хизматни сифат ва самарадорлиги ошади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармонининг 2.6. бандида Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга тухталиб, «давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

Адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш;» -деб алоҳида кўрсатиб утган. Демак адвокатура институтини янада ривожлантириш учун унинг ижобий ютуқларидан самарали фойдаланишни, юридик хизмат ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишга оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ш.Мирзиёев 2017-2021 Ҳаракатлар стратегияси, Хван Л.Б., Солиқ Ҳуқуқи, Отахонов Ф.Ҳ. Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли, Каримов И.А. “Адолат қонун устиворлигида” номли адабиётларда юридик хизматларини самарали ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар, юридик хизматнинг назарий- ҳуқуқий муаммолари мавзусида илмий тадқиқот олиб борилмаган бўлса - да, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг умумназарий ва хусусий муаммолари Ш.Н.Бердияров, Ҳ.Б.Бобоев, М.С.Восиқова, И.Б.Зокиров Ў.Х.Мухамедов, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, О.Оқюлов, Ф.А.Примов, Ф.Х.Рахимов, Х.Рахмонқулов, М.Х.Рахмонқулов, ва бошқаларнинг асарларида ўрганилган бўлиб, унда юридик хизматларида

бухгалтерия ҳисобини юрителининг муоммоли масалалари ўрганилмаган. Бу эса, танланган мавзунинг ҳозирги кунда, ўта долзарблигидан дарак беради.

Тадқиқот методологияси. Мақолада анализ ва синтез, сабаб ва оқибат, замон ва макон, индукция ва дедукция, тизимли ёндошув, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, иқтисодий математик ва статистик, корреляция даражаси ва линия регрессия каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, шу жумладан:

ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради;

ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади;

фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади;

жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади;

тадбиркорлик фаолиятига ва қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам кўрсатади.

Юридик хизмат халқ хўжалигининг барча тармоқларида, яъни ишлаб чиқариш ва хўжаликни бошқаришнинг ҳамма бўғинларида, вазирлик, идора, уюшмаларда, корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек ҳокимликлар, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органларида мавжуд, демак фаолиятнинг ҳар бирини юридик хизматсиз ташкил этиб бўлмайди. Маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг

фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун уларнинг тузилмасида ҳам юридик хизмат фаолияти ташкил этилади.

Мамлакатимизда кейинги ўтган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, натижада ташкилий ҳуқуқий шакли акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, хусусий корхона ҳамда хўжалик ширкатлари кўринишида бўлган корхона ва ташкилотларнинг сони бир неча юз бараварга кўпайди. Уларнинг фаолиятида қонунчиликни таъминлаш, шартнома ва меҳнат интизомига риоя қилиш устидан назорат қилиш, мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ҳамда бошқа ҳуқуқий ишларни амалга оширишда юридик хизматнинг роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юридик хизматларни ривожлантириш уни такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 19 январ кунги ПҚ-2733-сонли “ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” қарор қабул қилинган унга асосан мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганлиги, қонунчиликка риоя этишда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини амалга оширадиган юридик хизматлари кўмаклашиши, шу билан бирга, юридик хизматларнинг ходимлари қонун бузилишини олдини олиш ҳамда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриш учун етарли ва таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари сабабли уларнинг фаолияти кутилган самарани бермаётганлиги, юридик хизматларни ташкил этишнинг тартиби, уларнинг штат birlikларини белгилаш меъёр ва мезонларининг мавжуд эмаслиги турли давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларнинг ташкилий штат тузилмасини

оқилона белгилашни таъминлашга имкон бермаслиги, юридик хизматлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ишлари самарали ташкил этилмаганлиги, мазкур соҳадаги ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган камчилик ва қонун бузилишларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш билан чекланётганлиги, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражаси мазкур соҳага олий юридик маълумот ва амалий тажрибага эга юқори малакали кадрларни жалб қилишга тўсқинлик қилиб, бу эса юридик хизматлар ишининг сифатига ўз таъсирини ўтказаётганлигини, бунинг учун, Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш зарурлиги ва бу борада бир қатор чораларни бажаришлик айтилган.

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунга асосан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Шу муносабат билан адвокат жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради, ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлари

хамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади, жиноят ишлари бўйича суриштирув, дастлабки тергов босқичида ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади, тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади, ҳакамлик судида ва халқаро тижорат арбитражида (судида) вакилликни амалга оширади ҳамда адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектлар асосан адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ҳамда адвокатлик бюрolariда фаолият олиб бораётган адвокатларнинг хизматларидан кўпроқ фойдаланмоқдалар.

Юридик хизматдан фойдаланиш учун уни тартибга солувчи қўйидагича намуна шартномалардан фойдаланиш мумкин:

Адвокатлар ҳайъати учун;

Юридик ёрдам кўрсатиш

тўғрисидаги битим (шартнома)

\_\_\_\_\_ -сон

20\_\_ " \_\_ " \_\_\_\_\_ Самарқанд шаҳри

" \_\_\_\_\_ " адвокатлар ҳайъатининг  
адвокати (адвокатлар ҳайъатининг номи)

\_\_\_\_\_, (бундан кейинги ўринларда адвокат  
(Ф.И.О.) (адвокатлик гувоҳномасининг реквизитлари)

деб юритилади) ва фуқаро

\_\_\_\_\_ (бундан кейинги ўринларда ҳимоя  
(Ф.И.О.) (фуқаролик паспортидаги маълумотлар)

остидаги шахс деб юритилади) ёки унинг манфаатлари юзасидан ҳаракат  
қилаётган шахс \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.) (фуқаролик паспортидаги маълумотлар)

биргаликда Тарафлар деб аталувчилар қуйидаги мазмунда мазкур Битим  
(шартнома)ни туздилар.

I. Битим (шартнома)нинг предмети

1. Адвокат томонидан ҳимоя остидаги шахсга юридик ёрдам кўрсатилиши  
Битим (шартнома)нинг предмети, чунончи:

\_\_\_\_\_  
(юридик ёрдамнинг мазмуни)

II. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2. Адвокат:



юзага келган муносабатларга ҳуқуқий баҳо бериш, ушбу соҳа бўйича конунчилик актлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг материалларини саралаб тўплашни амалга оширишга;

ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) томонидан зарур маълумотлар ёки ва ҳужжатлар тақдим қилинмагунга ёхуд мазкур Битим (шартнома) бўйича ҳақ ҳисобига аванс тўланмагунга қадар ўз вазифаларини ёки уларнинг қисмини бажаришга киришмаслик;

мазкур Битим (шартнома)га мувофиқ кўрсатилаётган юридик ёрдам учун тўланадиган ҳақни ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс)дан ўз вақтида тўлашни талаб қилиш;

агарда иш ҳажми мазкур Битим (шартнома) тузилиши пайтида мўлжалланган иш ҳажмига нисбатан жиддий кўпайганида мазкур Битим (шартнома)нинг таркибий ва ажралмас қисми бўлган қўшимча Битим (шартнома) тузиш йўли билан ҳақни мутаносиб кўпайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 3. Адвокат:

мазкур Битим (шартнома)га мувофиқ ўз вазифаларини шахсан бажариши;

ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс)га иш бўйича барча ҳолатлар ва келиб чиқиши эҳтимоли бўлган оқибатларни тушунтириши;

иш бўйича ўзининг позициясини ҳамда мўлжалланаётган ҳаракатларни ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) билан келишиши;

мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган вазифаларининг ижроси жараёни ҳақида ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс)га маълум қилиши;

ушбу иш бўйича адвокатлик досъесини олиб бориши, зарурат бўлганда уни ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс)га таништириши;

зарур ҳужжатлар - ариза, шикоят, илтимоснома ва ҳ.к. тузиши;

мазкур Битим (шартнома) бекор қилинганда дарҳол ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс)га иш бўйича ундан олинган барча ҳужжатларни, жумладан асл нусхаларини қайтариши;

қонун ҳужжатлари талабларига, Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этиши, ҳимоя остидаги шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонун билан тақиқланмаган воситалари ҳамда усулларидан фойдаланиши шарт.

4. Ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс):

адвокатдан мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган вазифаларини аниқ ва ўз вақтида бажаришини талаб қилиш;

адвокат томонидан иш бўйича ишлаб чиқилган позицияга ўз таклифларини ва тузатишларини киритиш;

адвокатлик досъесида бўлган материаллар билан танишиш;

мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган адвокатнинг вазифалари ижроси жараёни юзасидан ахборот олиш ҳуқуқига эга.

5. Ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс):

иш бўйича унга маълум бўлган барча ҳолатларни адвокатга хабар қилиши;  
мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган вазифаларни бажаришга керак бўлган барча ҳужжатларни (зарур бўлганда асл нусхаларини) адвокатга тақдим этиши;

мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган адвокатнинг барча, шу жумладан, транспорт (суткалик ва ҳ.к.) харажатларини ўз вақтида тўлаши (компенсация қилиши);

мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган ҳақ суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда адвокатга тўлаши (тўлаб бериши) шарт.

III. Кўрсатилаётган юридик ёрдам учун ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) томонидан ҳақ тўлаш шартлари.

Адвокатнинг Битим (шартнома)ни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш тартиби ва миқдори;

6. Мазкур Битим (шартнома) билан белгиланган тартиб ва миқдорларда ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) адвокатга ҳақ тўлайди ҳамда харажатларини компенсация қилади.

7. Адвокатнинг ҳақ олиши ҳамда мазкур Битим (шартнома)ни бажариши билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш ҳуқуқи учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

8. Адвокат ҳақининг суммаси \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўмни ташкил қилади.

Мазкур Битим (шартнома) тузишда авансинг миқдори \_\_\_\_\_  
( \_\_\_\_\_ ) сўмни ташкил қилади.

9. Ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) адвокатдан қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни олган пайтдан бошлаб 3 (уч) кун ичида тўлиқ ҳажмда унга мазкур Битим (шартнома)ни бажариш билан боғлиқ харажатларни компенсация қилади.

Ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) адвокат харажатларини компенсация қилиш учун аванс тўлайди.

10. Компенсация қилинадиган харажатлар йўлкира учун тўлов, шахсий автомобилдан фойдаланиш учун амортизацион харажатлар, таксида (ёхуд ёлланган автомобилда)ги йўлкира учун тўлов, телефон сўзлашувларига тўлов, канцелярия, почта харажатлари, шунингдек мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа харажатларни ўз ичига олади.

11. Хизмат сафарига оид харажатларни (суткалик харажатлар, яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар, транспорт харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар ва ҳ.к.) миқдори бир суткасига \_\_\_\_\_  
( \_\_\_\_\_ ) сўмни ташкил қилади.

12. Адвокатга ҳақ тўлаш ва мазкур Битим (шартнома) бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни компенсация қилиш ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) томонидан мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда адвокатлар ҳайъатининг кассасига кирим қилиш ёки банкдаги ҳисоб варағига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

#### IV. Тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби

13. Ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) айби билан, шу жумладан, мазкур Битим (шартнома)нинг 2-банди учинчи хатбошисида кўрсатилган сабабларга кўра мазкур Битим (шартнома) бажарилишининг имконияти бўлмаса ёхуд ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) мазкур Битим (шартнома)нинг 5-бандида назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортса (четга чиқса), адвокат мазкур Битим (шартнома) бўйича ишларни бажаришдан бош тортиши ҳамда унга тегишли ҳақни тўлашни, шунингдек мазкур Битим (шартнома)нинг 8-бандига мувофиқ у томонидан қилинган харажатларни қоплашни талаб қилиши мумкин.

14. Мазкур Битим (шартнома)ни бажаришининг имконсизлиги тарафларнинг бири ҳам жавоб бермайдиган ҳолатлар бўйича юзага келса, ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) мазкур Битим (шартнома)нинг 10-11-бандларига мувофиқ адвокатга амалда бажарилган ишларнинг қисмига ҳақни ҳамда у томонидан амалда қилинган харажатларни қоплайди.

15. Ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) томонидан мазкур Битим (шартнома)нинг 10-11-бандларида назарда тутилган тўловнинг суммасини ўз вақтида тўламаса ёки умуман тўламаса, шунингдек у томонидан мазкур Битим (шартнома)нинг 5-бандида назарда тутилган ўз вазифаларини бажармаса ёхуд лозим даражада бажармаса, адвокат ихтиёрига қараб мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган мажбуриятларини бажаришдан уни озод қилиш деб ҳисоблаши мумкинлигига Тарафлар ўзаро келишишди. Бунда, агарда ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) томонидан мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни тўхтатиш мақсади тасдиқланмаса, адвокат мазкур Битим

(шартнома)да назарда тутилган мажбуриятларни бажаришини давом эттиришга ҳақли (лекин мажбур эмас). Бу ҳолларда ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган шартларга мувофиқ тўловларни амалга ошириши шарт.

## V. Яқунловчи қоидалар

16. Тарафлар ўртасида мавжуд бўлган ҳар қандай оғзаки, лекин мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилмаган келишувлар, мазкур Битим (шартнома) имзоланган пайтдан бошлаб юридик кучини йўқотади. Шу пайтдан бошлаб мазкур Битим (шартнома) бажарилиши билан боғлиқ низолар юзага келганида Тарафлар мазкур Битим (шартнома) бўйича шундай келишувларни далил қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар.

17. Мазкур Битим (шартнома) ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) томонидан мазкур Битим (шартнома)нинг 8-бандида назарда тутилган ҳақ ёки аванс тўлиқ ҳажмда қирим қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

18. Мазкур битим (шартнома) муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

ҳимоя остидаги шахс (ҳимоя остидаги шахс манфаатлари юзасидан ҳаракат қилаётган шахс) мазкур Битим (шартнома)ни бажаришдан бир тарафлама бош тортганда;

адвокат мақоми тўхтатиб турилганда ёки тугатилганда;

қонунчилик ва мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган бошқа ҳолларда.



Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Адвокат қуйидагилардан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас:

илмий ва педагогик фаолият;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолият;

патент вакили ва медиатор сифатидаги фаолият;

шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатидаги фаолият;

ҳакамлик судларида ва халқаро тижорат арбитражларида (судларида) судья сифатидаги фаолият” лари билан шуғулланишга ҳақлилиги кўрсатилган.

“Адвокатура ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширади.

Белгиланган тартибда лицензия олган шахс адвокатлик фаолиятини ўз адвокатлик бюросини очиб, яқка тартибда амалга оширишга ёхуд бошқа адвокатлар (шериклар) билан адвокатлик фирмасини ёки аъзоликка асосланган адвокатлар ҳайъатини тузишга ёхуд фаолият кўрсатаётган шундай адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли. Адвокат ўз фаолиятини фақат битта адвокатлик тузилмасида амалга оширишга ҳақли.



Адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилади.

Адвокатлик тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, тузилмаси, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлик тузилмалари фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари), таъсис шартномалари билан тартибга солинади.

Адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари улар рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади. Юридик маслаҳатхона ҳисобга олинган кундан эътиборан ўз фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

Адвокатлик фирмасининг ёки адвокатлар ҳайъатининг жойлашган ери яшаш учун мўлжалланмаган жойда бўлиши керак.

Адвокатлик бюрolarини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган турар жойларда амалга ошириши мумкин, бунда адвокатга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди.

Адвокатлик тузилмалари фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатганлик учун улардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан таъминот олади.

Адвокатлар адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузиши мумкин.

Адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда чет давлатларда ушбу давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ ўзининг алоҳида бўлинмаларини (ваколатхоналари ва филиалларини) ташкил этишга ҳақли. Бунда адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати алоҳида бўлинмани очиш тўғрисидаги қарори ҳақида адлия органини олдиндан хабардор қилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга адвокатлик хизматини курсатиш учун адвокатўра тўғрисидаги қонуннинг 91-моддасида кўрсатилган тартибда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) амалга оширилади;

Адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан адвокат ўртасида ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) ўзига ёки у тайинлаган шахсга юридик ёрдам кўрсатиш учун оддий ёзма шаклда тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномадан иборатдир.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни (шартномани) бекор қилиш масалалари, агар адвокатура тўғрисидаги қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Хулоса ва таклифлар.

Адвокат, унга қайси адлия органи томонидан гувоҳнома берилганлигидан қатъи назар, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни (шартномани), унинг яшаш жойи ёки жойлашган еридан қатъи назар, тузишга ҳақли.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимнинг (шартноманинг) муҳим шартлари қуйидагилардан иборат:

топшириқни бажаришни ишончли вакил сифатида ўз зиммасига олган адвокат ҳақидаги, унинг гувоҳномаси реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги маълумотлар;

топшириқнинг предмети;

кўрсатилаётган юридик ёрдам учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан ҳақ тўлаш шартлари;

адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш тартиби ва миқдори;

топшириқни бажаришни ўз зиммасига олган адвокат жавобгарлигининг миқдори ва хусусияти.

Адвокатнинг ҳақ олиши ҳамда топшириқни бажариши билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш ҳуқуқи ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) махсус рухсатисиз учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан адвокатга тўланадиган ҳақ ва адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тегишли адвокатлик тузилмасининг кассасига кирим қилиниши ёки адвокатлик тузилмасининг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт-деб кўрсатилган.

Адвокат мижоз билан шартнома (битим) тузгандан кейин, шартнома мажбўриятини тўлиқ ўз зиммасига олиши ва унга виждонан ёндашиши шарт, агарда шартномани ҳимоя остидаги шахс билан туғридан туғри тузмаган тақдирда ҳам яъни ҳимоя остидаги шахснинг тутқин ҳолларда унинг оила

аъзолари билан тузилган шартнома бўлган тақдирда ҳам, шартномага тўланган гонарарни ким томонидан қандай тариқасида у хоҳ нақд кўринишда ёки пул кўчириш орқали бўлишидан катий назар мохият ва мақсадлари ўзгармайди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев; 2017-2021  
Харакатлар стратегияси
2. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари
3. Ўзбекистон Республикасининг АВ ва МВ №1878 сон қарори
4. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар  
фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни
6. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари  
тўғрисида»ги Қонуни
7. Хван Л.Б., Солиқ “Ҳуқуқ”, Отахонов Ф.Ҳ. “Юридик хизматнинг  
хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини  
таъминлашдаги роли” адабиётлардан фойдаланилган.